

**Жисмоний шахслар учун АҚШ доллардаги
“Инновация” муддатли банк омонати
ШАРТНОМАСИ**

20 __ йил «__» _____ № _____ шаҳри

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг _____ филиали (кейинги ўринларда – Банк) бошқарувчиси _____ Низом ва Ишоннома асосида фаолият юритиб, бир томондан, ва _____ (кейинги ўринларда – Омонатчи), иккинчи томондан, мазкур Шартномани куйидагилар тўғрисида туздик.

1-§. Шартнома предмети

1. Банк Омонатчининг _____ (_____) АҚШ доллардаги пул маблағини қабул қилди ва уни 20606840..... омонат ҳисобварағига омонат шартларига мувофиқ жойлаштирди.

2. Омонатчига __ серияли _____-сон Омонат дафтарчаси очилди ва унда юқорида кўрсатилган ҳисобвараққа кирим қилинган омонат қиймати ва бошқа тегишли маълумотлар ўрнатилган тартибда акс эттирилади.

2-§. Омонат шартлари ва ҳисоб-китоблар тартиби

3. Омонат муддати 24 ой, яъни омонатга пул маблағи қўйилган сана: 20__ йил “__” _____, омонатни қайтариш санаси: 20__ йил “__” _____.

4. Омонатга йилда 365 кун ҳисобидан йиллик 5 фоиз ставкада даромад ҳисобланади.

5. Ушбу Шартнома бўйича жалб қилинган омонатнинг фоиз ставкаси унинг муддати тугагунга қадар ўзгармайди.

6. Омонатчи омонатга дастлабки 12 ой давомида ҳар ойда бир марта қўшимча бадал киритиши мумкин. Қўшимча бадалнинг минимал миқдори: 100 (бир юз) АҚШ доллари.

7. Омонат муддати давомида омонатнинг бир қисмини олиш кўзда тутилган. Бунда омонатдаги маблағ қолдиғи 1000 (бир минг) АҚШ долларидан кам бўлмаслиги лозим.

8. Омонат бўйича фоиз омонат Банкка қабул қилинган куннинг кейинги санасидан бошлаб омонатни Омонатчига қайтариб бериладиган кунгача ҳисобланади.

Омонатчининг омонат ҳисобварағи хатланганлиги оқибатида Банк омонатдаги пул маблағидан фойдалана олмаган давр учун фоиз ҳисобланмайди.

9. Омонат бўйича фоиз _____
(ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг капитализациясиз)
омонат қабул қилинган чет эл валютасида тўланади.

Агар омонат фоизи бўйича Омонатчига тўлиқ қийматда эмас, балки қолдиғида цент бўлган фоиз ҳисобланган бўлса, Банк центни унинг миллий валютадаги эквивалентида (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг операция амалга оширилган кундаги курси бўйича) тўлаб беради.

10. Омонат муддати тугагандан сўнг омонат омонатчига қайтарилади.

Агар омонатни қайтариш дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, омонат кейинги банк иш кунига қайтариб берилади.

11. Агар омонатчи омонатни муддати тугамасдан тўлиқ қайтариб олмоқчи бўлса, у бу ҳақда Банкни омонатни қайтаришни мўлжаллаган санадан камида бир ой олдин огоҳлантиради. Бунда шартноманинг амал қилиши тўхтатилади, омонат муддатидан олдин қайтарилади ва омонатга ҳисобланган фоиз куйидаги шартлар асосида тўлиқ турган ой учун тўланди:

а) омонат 6 ойдан кам муддат давомида турган бўлса, ҳисобланган фоиз тўланмайди;

б) омонат 6 ойдан 9 ойгача бўлган муддат давомида турган бўлса, омонатга йиллик 4

фоизлик ставкада фоиз ҳисобланади ва тўланади;

в) омонат 9 ойдан 12 ойгача бўлган муддат давомида турган бўлса, омонатга йиллик 4,5 фоизлик ставкада фоиз ҳисобланади ва тўланади;

г) омонат 12 ойдан 24 ойгача бўлган муддат давомида турган бўлса, омонатга йиллик 5 фоизлик ставкада фоиз ҳисобланади ва тўланади.

Тўлиқ бўлмаган ой давомида сақланган омонатга ҳисобланган фоиз бекор қилинади ва тўланмайди.

Омонат муддати давомида тўланган фоизнинг ортиқча қисми мавжуд бўлса, у омонат маблағидан ушлаб қолинади.

12. Омонатчи омонат муддати тугагандан кейин омонатни қайтариб олмаса, мазкур Шартнома талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат шартлари асосида узайтирилган ҳисобланади, кейинги амалиёт кунида унинг учун талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат ҳисобварағи очилади. Омонат ва у бўйича ҳисобланган фоиз, ушбу кундан бошлаб, Омонатчининг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат ҳисобварағидаги шахсий ҳисобвараққа ўтказилади.

3-§. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Банк Омонатчидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ омонатни расмийлаштиришда тақдим этилиши зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

14. Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) омонатни, Банкни камида бир ой олдин огоҳлантирган ҳолда муддатидан олдин қайтариш сўралганда, қайтариб бериш;

б) омонатни сир сақлаш ва у бўйича маълумотларни фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда тақдим этиш;

в) Омонатчининг омонат ҳисобварағи бўйича амалиётлар Банк томонидан тўхтатиб қўйилганда, амалиёт тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Омонатчига унинг омонат ҳисобварағига хизмат кўрсатиш тўхтатилганлиги ва унинг сабаби юзасидан хабарнома юбориш;

г) Омонатчининг кредит ва микроқарз бўйича қарздорлигини сўндириш учун унинг омонат ҳисобварағидан маблағ Банк томонидан Омонатчининг топшириғисиз ҳисобдан чиқарилганда, маблағ ҳисобдан чиқарилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Омонатчига унинг омонат ҳисобварағидан қанча миқдордаги маблағ қандай сабабга асосан ва кимнинг фойдасига чиқарилганлигини кўрсатган ҳолда хабарнома юбориш.

15. Омонатчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) омонатни ишончли вакили орқали ҳам тасарруф этиш;

б) омонатни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай шахсга васият қилиш.

16. Омонатчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) паспорт маълумотлари ва рўйхатдан ўтган жойи ўзгарганда ўзгариш санасидан бошлаб 10 кун ичида Банкка ёзма хабар бериш;

б) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ сўралган барча ҳужжатларни Банкка тақдим этиш.

4-§. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Томонлар мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

5-§. Алоҳида шартлар

18. Ушбу Шартнома омонат Банкка қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

19. Мазкур Шартнома 14-бандининг “в” ва “г” кичик бандларида назарда тутилган хабарномалар Омонатчига _____
(Омонатчи тегишлисини танлайди: шахсан топшириш, почта орқали жўнатиш, электрон почтадан жўнатиш, мобил телефонига SMS юбориш, мобил телефонига телеграм канали орқали жўнатиш) орқали топширилади. Омонатчи хабарнома етказиш усулини Банкка шахсан ёки почта орқали ёзма ариза такдим этиш йўли билан ўзгартириш ҳуқуқига эга. Бунда Омонатчидан қабул қилинган ариза Банк томонидан унинг омонат ҳисобварағи бўйича йиғмажилдида сақланади.

Хабарномани Омонатчига етказиш усули ўзгарганлиги муносабати билан мазкур Шартномага ўзгартириш киритиш талаб этилмайди.

20. Банк мазкур Шартнома шартларига Омонатчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган ўзгартиришларни бир томонлама киритишга ҳақли эмас.

21. Омонатнинг қайтарилиши Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида” қонунига мувофиқ кафолатланади.

22. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

23. Томонлар барча келишмовчилик ва низоларни музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида томонлар ўзаро келишувга эриша олмаган тақдирда низо Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ судда кўриб чиқилади.

24. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди, унинг бир нусхаси Банкда, иккинчи нусхаси Омонатчида сақланади.

6-§. Томонларнинг почта манзили ва реквизитлари

Банк:
Манзили: _____
Тел.: _____ Банк коди: _____
Банк ҳисобварағи: _____
Бошқарувчи: _____
(Мухр ўрни)

Омонатчи:
Манзили: _____
Тел.: _____
Паспорт: _____
(имзо)